



ТОШКЕНТ ХАЛҚИ ҚИЙОТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
12 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 75
(11.982)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

“Ўзбекистон” нашриёти Президент Ислам Каримовнинг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” номли китобини чоп этди. Китобдан давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 август куни бўлиб ўтган Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мамлакатимиз Истиқлолининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси ўрин олган.

Ушбу маърузада мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, ҳалқимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилган катта ютуқ ва натижалар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган муҳим ва долзарб вазифалар ҳақида ҳар томонлама чуқур ва атрафлича фикр юритилиб, Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли ҳар бири тарихимизда ўзига хос ва ўзига мос ўрин тутадиган алоҳида икки даврга ажратиб, таҳлил этилган.

Аввало, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991–2000 йиллар мамлакатимиз ва ҳалқимиз ҳаётида улкан из қолдирган, том маънодаги тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлгани алоҳида таъкидланади. Китобда бу даврнинг бутун мураккаблиги ва зиддиятлари, янги жамият асосларини шакллантиришда бекиёс аҳамияти кенг ва батафсил очиб берилди.

Шу билан бирга, мустақил тараққиётимизнинг



2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври иқтисодий-иҷтимоий барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислох қилишни таъминлашда гоят муҳим роль ўйнаган давр бўлгани ҳам китобда ўзининг чуқур исботини топади.


Президентимиз ўз китобидида бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интилаётган бошқа давлатлар

қатори ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб давр ўртага қўяётган талаб ва саволларга тўлиқ жавоб берадиган, аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратади.

“Фақат ана шундай сиёсатгина ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли мақсад-муддаоларимиз – Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига эришиш борасида зарур шарт-шароит ва мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин”, деб таъкидлайди Ўртбошимиз.

Мазкур китобда баён этилган теран фикр ва ҳулосалар барча юртдошларимизни 16 йиллик тараққиёт йўлимизга яна бир бор назар ташлашга даъват этади. Она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати ва тилидан, қаерда, қандай вазифада ишлашдан қатъи назар истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқларимиздан кўнгли тоғдай кўтарилиши, шу ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб қувониб, фахр-ифтихор билан яшаши табиий, албатта.

Ў.А.



МЕВАЛАР ЎЗИМИЗНИНГ БОҒДАН

«Хўб ажойиб юртимиз бор» деб қўйланади бир қўшиқда. Чиндан ҳам серқуёш диёримиз, саховатли заминимиз ҳар йили ёз-қуз ойларида барчамизни ўз неъматларидан баҳраманд этади. Ҳозир боғ-роғлар, далаю полизларда айни пишмиқчилик. Бозорлардаги тўкин-сочинликдан қўз ҳам, дил ҳам яйрайди.

Паркент, Қибрай, Бўстонлик, Зангиота, Тошкент туманларидаги серфайз боғларда етиштирилган мева-чевалар нафақат вилоят, балки пойтахт аҳолиси дастурхонларини бе-заётир. Айни шу кунларда уста боғбону соҳибкорлар яратган мевазорларга бир келиб кетсангиз бас, кўйини-кўнжингиз тўлиб қайтасиз. «Бизда полиз бошида қовун пулга со-тилмайдми» деб ёзади ҳазрат Бобур машҳур «Бобурнома»си-да. Чунки, полиз бошига келган одам – меҳмон-да!

Еркебой БОТИРОВ сурат-лавҳаси.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари: нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти ва роли” мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

Парламент қўйи палата-сининг Демократик инсти-тутлар, нодавлат ташкилот-лар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Фуқаролик жамия-тини ўрганиш институти ва Ўзбекистон нодавлат ноти-жорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳам-корликда ташкил этган ушбу тадбирда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти ин-ститути вакиллари иштирок этди. Уни мазкур қўмита раиси А. Саидов бошқарди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” маъ-рузасида таъкидланганидек, мамлакатимизда кучли дав-латдан кучли фуқаролик

жамиятига ўтиш босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилмоқда. Кучли фуқаролик жамиятини эса фуқаролик институтларисиз шакллантириб бўлмайди. Шу боис сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташки-лотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-лари фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда очик, кучли фуқаролик жамиятини нодавлат нотижорат ташкилот-лар ва аҳоли турли қатлам-ларининг манфаатини ифо-далайдиган сиёсий партия-ларсиз тасаввур этиш қийин.

Ҳозир республикада 5 мингдан зиёд нодавлат ноти-жорат ташкилот фаолият

юритмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари фуқаролар ман-фаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, мамлака-тимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар ва ёшлар фаоллигини, фуқаро-лик институтлари фаолияти-ни ривожлантириш ва сама-радорлигини янада оши-ришдан иборат.

Йиғилишда таъкидланган-дек, 2005 йилнинг май ойида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси таш-кил этилди. Бугунги кунда ушбу ассоциация мамлаката-миз аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланаётган мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларни бирлаштир-моқда.

Фуқаролик жамияти ин-ститути 16 йил давомида ўзининг тадрижий ривожла-ниш йўлини босиб ўтди. Мамлакатимизда уларнинг ривожини учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий асослар яра-тилгани эндиликда муҳим аҳамият касб этаётди.

Мамлакатимизда фуқаро-лик жамиятини шаклланти-ришнинг ҳуқуқий асослари ва истиқболлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бу борадаги ўрни ва аҳа-мияти ҳақида фикр алмашил-ди.


Анжуманда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти инсти-тутиларининг роли ва аҳа-миятини ошириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсия-лар ишлаб чиқилди.

Ў.А.

«Пахта – 2007»

ТАШАББУС, УЮШҚОҚЛИК, МАНФААТДОРЛИК

пахта ҳосилини қисқа муддатларда сифатли
йиғиштириб олиб, терим мавсумини ҳар
жиҳатдан муваффақиятли яқунлашнинг ҳал
қилувчи омилларидир



Бу йил вилоят пахтакор-лари 108 минг гектар май-донга С – 6524, Наманган – 77, Ан-Бобўт-2 навли чи-гит қадаб, баҳор ва ёз ойла-ри илғор агротехник қоида-лар асосида парварिश қил-дилар. Мутахассис ва кўп йиллик тажрибага эга фер-мерларнинг таъкидлашлари-га қараганда гўза парвариси-да ташкил этилиб, барча агро-техник тадбирлар вақтида ва сифатли баҳарилгани са-бабли бу йилги пахта ҳосили-нинг чўғи ҳам, сифати ҳам талаб даражасида.

Мўл ҳосил етиштириш давлатга пахта хом ашёси етказиб бериш юзасидан ту-зилган контрактация шарт-номаларини муваффақият-ли бажариш йўлидаги даст-лабки қадам бўлса, далада-ги ана шу ҳосилни тез ва соз йиғиб-териб олиш ҳал қилувчи омилдир. Шуни ҳисобга олиб, жойларда те-рим мавсумига ҳар томонла-ма пухта тайёргарлик қўри-лди. Аввало, ички имкони-ятлар аниқ ҳисобга олиниб, мавсумга сафарбар этилади-ган терим машиналари, пах-тани юклайдиган, қабул пунктларига пешма-пеш та-шийдиган барча турдаги транспорт воситалари, улар учун керакли эҳтиёт қисм ва бошқа таъмирлаш материал-ларининг етарли захираси яратилди. Машина терими учун ажратилган алоҳида майдонлар белгилаб олин-моқда.

Бу мавсум кўл теримини уюшқоқлик билан ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда биринчидан, теримда ишти-рок эта оладиган маҳаллий аҳоли олдиндан ҳисоблаб чиқилди. Иккинчидан, улар-ни пахтаси энг кўп очилган майдонларга сафарбар этиш режалари тузилмоқда.

– Маълумки, терим маши-налари операторлари, кўл терими қатнашчилари, пах-тани юкловчи ва ташувчи транспорт воситалари ҳай-довчилари ва бошқа мавсум иштирокчиларининг моддий манфаатдорлигини таъмин-лаш ва рағбатлантириш йи-ғим-терим суръати ва сифа-тини белгилувчи асосий омилдир, – дейди акциядор-лик-тижорат «Пахта банк»-нинг вилоят бошқармаси бошлиғи Мирзаортик Орти-қов. – Шу боис республика Президентининг «2007 йил-ги пахта ҳосилини ўз вақ-тида ва сифатли йиғиб-те-риб олишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбир-лар тўғрисида»ги қарорига

мувофиқ бу йил машина ва кўлда терилган пахта учун тўланадиган иш ҳақи 2006 йилдагига нисбатан 20 фоиз оширилди.

Чунончи, бу мавсумда кўл терими иштирокчилари ва терим машиналари опера-торлари учун қўйидаги тари-ф бўйича ҳақ тўланади:

1. Кўлда терилган 1 ки-лограмм пахта учун – ўрта толали пахта – 64 сўм;
- уруғлик пахта – 67 сўм.
2. Машинада терилган 1 тонна пахта учун – икки қаторли, тик шпин-делли терим машинасида – 1193 сўм;
- тўрт қаторли, тик шпин-делли терим машинасида – 793 сўм;
- икки қаторли, ётиқ шпинделли терим машина-сида – 595 сўм.

Республика Молия вазир-лиғи белгилаб берган нарх-лардан келиб чиққан ҳолда ҳар беш кунлик яқунда те-рим иштирокчиларига таба-қалаштирилган тарзда ҳақ тўлаб борилади. Бунинг учун республикадаги барча тижорат банкларининг вило-ят бўлимлари зиммасига нақд пул маблағларини узу-луксиз ва тўлиқ етказиб бе-риш вазифаси юклатилди. Фермер хўжалиғи раҳбарла-ри эса, кундалик терилган ва қабул пунктларига топши-рилган хом ашёни ҳисоб-китоб қилиб, тегишли ҳуж-жатларни ўз вақтида рас-мийлаштиришлари шарт.

Дехқонларимизнинг йил давомида қилган заҳматли меҳнати эва-зига етиштирилган ҳосилни ўз вақтида, сифатли йиғиб-териб олишда пахтачиликда-ги сўнгги агротехник тадбир – дефолиация-ни талаб даражасида ўтказиш муҳим аҳа-миятга эга.

ҲОЗИРЛИК ПУХТА

Бўқа тумани заминдорла-ри бу мавсум 16460 гектар майдонда парвариланган гўзадан давлатга 44500 тон-на пахта хом ашёси етказиб беришни режалаштириш-ган. Ўзани сифатли дефо-лиация қилишга 32 та ОВХ агрегатлари, турли русумда-ги тракторлар жалб этилди. Ҳозир бир кунда 1500 гек-тардан зиёд майдонда дефо-лиация тадбири оби-тобида ўтказилмоқда. Ишчиларга етарли шaroитлар яратилган-ни, бўнак пуллари берилган-ни бу юмшунинг тез ва сифа-тли бажарилишида муҳим омил бўлмоқда.

Йиғим-терим мавсумига 18 та пахта терим машина-си, 600 дан зиёд тиркама тайёрланди. Теримчилар учун ҳар томонлама қулай шaroитлар ҳозирланди. Шу-нингдек, 100 мингдан зиёд этак, 500 дан ортик тарози тахт қилиб қўйилди.

Алишер РАҲМАТОВ.

ЯНГИ ДАВР КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА ЭЪТИБОР

Президентимиз Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” маъруза-сида мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир янги давр кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида “Ўзбекистон мустақиллик йилларида: янги давр кадрларини тайёрлаш” мавзuidaги республика илмий-амалий семина-рида давлатимиз раҳбари маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар

атрофлича муҳокама этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депу-татлари, мазкур академия тингловчилари, тегишли ва-зирлик ва идоралар раҳбар-лари, олий ўқув юртиларининг ўқитувчи ва талабалари, сиёсий партиялар, жамоат таш-килотлари вакиллари ишти-рок этди.

Мазкур академия ректори

Қ. Назаров мамлакатимизни ривожлантиришнинг Юртбо-шимиз томонидан белгилаб берилган беш асосий тамойили ижтимоий йўнал-тирилган, бозор иқтисодиё-тига асосланган очик демок-ратик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакл-лантиришда, ижтимоий-сиё-сий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эриш-ган ютуқларимизда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Янги давлат барпо этиш-да миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия-ланган, мустақил фикрловчи, Ватан тақдири, бугуни ва келажағи учун масъулиятни теран ҳис этадиган кадрлар-

ГЕНЕТИК ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

Қибрай туманидаги генетика ва ўсимликлар экс-периментал институти тажриба майдонларида олиб борилаётган кузатишлар кутилган натижа-ларни бермоқда. Айниқса, гўза генетикасини тад-қик этиш йўлидаги изланишларда самарадорликка эришилмоқда.

Илмий муассаса олим-ларининг кейинги йиллар-даги ютуқлари ушбу ин-ститути негизида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда юксак ба-ҳоланди.

«Генетика, молекуляр биология, биотехнология-нинг назарий ва амалий масалалари» мавзuida

уюштирилган анжуманда ўндан ортик маъруза тинг-ланди. Ўзбекистон шаро-и-тида гўза генетикаси бўйи-ча олиб борилаётган таж-риба-намуна ишларига доир илмий чиқишлар кўпчилида қизиқиб ўйот-ди. Ишлаб чиқарилган та-всияларни омдалаштириш-га келишиб олинди.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ТАВСИЯЛАР

Академик Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчи-лик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари қатор янги навлар устида изланишмоқда. Узумчиликни ривожлантиришга хизмат қилаётган тад-қиқотлар ҳам эътиборга лойиқдир.

Узумларда кўп учрайдиган замбуруғли касалликларни бартараф этишда эришилаёт-ган ютуқлар ҳам республика-миз соҳибкорларига қўл кел-моқда. Ўзбекистон фермер хўжалиқлари уюшмаси томо-нидан ташкил этилган ўқув семинарда ана шу янгилик ва

тадқиқотлар ҳақида гап борди. Анжуманда узум навларини янада яхшилаш, уларнинг тур-ли касалликларга чидамлили-гини ошириш, майизни си-фатли сақлаш юзасидан фер-мер хўжалиқларига тавсиялар берилди.

Акбар АЛИЕВ.

Муствақиллик одамлари

ФЕРМЕР ЯРАТГАН МЎЪЖИЗА

Ўртачирчиқ туманидаги «Саид Овул» фермер хўжалиги галла ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш бўйича ўз даласида қатор тажрибалар ўтказиб, мисли кўрилмаган натижаларга эришди.

Истиқлол туфайли мулкдор бўлди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Маматқул Саломов. — Муҳтарам Ўртабшимизнинг биз фермерларга кўрсатаётган бекиёс гамихўрликлари кулочимизни дадил ёзиб, изланиб, интилиб, янгилик яратиб яшашимизга кенг имконият яратди.

Ана шулардан оқилона фойдалана билган илгор фермер ҳар қачонгидан мўл, сифатли, таннархи арзон галла етиштириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институтини олими билан ҳамкорликда ажойиб тажрибага кўл урди. Бугдўй экишдан олдин 1 тоннасига 35-40 минг сўм кетадиган одатий захарли дорини ишлатмай, уруғликни оқори кучланиш майдонларида захарлангирмай ишлов бериб экиди. Бу билан нафақат ҳар гектар майдондан 35-40 минг сўм тежалди, балки уруғлик сарфи ҳам икки баробарга камайдди. Бошқача айтганда, ҳар гектар майдонда оқдий усул билан 200-240 килограмм уруғ сарфланса, ток билан ишлов берилганда уруғликнинг 120-140 килограмми қиёфа қилди. Шунинг ўзидан ҳар гектар майдондан 45-50 минг сўм маблаг тежаларди бўлди.

Бу янгиликнинг фақат бир жиҳати, ҳоло. Яна унинг афзалликларини санайдиган бўлсак, оддий усулда 1 гектар майдондаги бошоқлар сони ўртача 2600000 та бўлса, ток билан ишланганда бу кўрсаткич 2765000 тага бори. Ҳосилдорлик 40,6 центнердан 64,2 центнерга ошди.

Табиятдан янгиликнинг кетидан қувий юрадиган, ташаббускор, тиниб-тинчимас Маматқул ака ўтказган иккинчи тажриба бевосита бугдўй сифати билан боғлиқ эди.

Ўтган йили авжи кузда пойтахтимиз Тошкентда, «Ўзэкспомарказ»да очилган Халқаро минитехнологиялар кўргазмасини кўздан кечириб юрган фермерни Россиянинг Буйскй кимс заводида чиқарилган махсус ўғитлар қизиқтириб қолди. Корхонанинг реклама журналини варақлаган фермер ўзи кўпдан излаб юрган саволига жавоб топгандек бўлди. Буни қарангки, таркибида темир, мис, марганец, цинк, кальций, бор, молибден каби микро ва макро элементлар бўлган «Аквამикс» ўғити бошоқли экинлар ҳосилдорлигини

10 центнергача кўтариш билан бирга бугдўй сифатини кескин яхшилаб, клейковина ва цикловида миқдори ни оширар экан.

— Бизга худди шуниси керак эди, — дейди фермер. — Унинг клейковинаси меъёрида бўлса, хамир яхши кўпчиёди. Цикловида эса ноннинг рангини тиниклаштириб, кўримли қиларди зарур ўнсур. Энг сифатли, оппоқ, бўрсилдоқ нонлар, меҳмондўст халқимиз дастурхонини безаб турадиган лағмон, мант, манпар, норин, хоним каби сархил таомлар, аёло навли макаронлар, оғзингизда эрийдиган турли пиширилари печениелар худди шу ўнсурлар мавжуд бўлган бугдўй унидан тайёрланади.

Шундай қилиб, «Аквამикс» «Саид Овул» галлазорларида илк бор қўллаб кўрилди. Бунинг натижаси эса қўтилганидан ҳам яхши бўлди. Мана, республика марказий уруғчилик лабораторияси ҳулосалари: фермер хўжалиги даласида етиштирилган бугдўй клейковинаси давлат стандартидаги 23 ўрнига «Москвич» навида 27, «Кума» навида 28, «Нота» навида 29 фоизни ташкил этди. Лаборатория текширувлари галланинг шаффофлиги, бошқа сифат кўрсаткичлари ҳам кескин ошганлигини кўрсатди. Бундай бугдўйдан бемалол энг аёло даражадаги нонлар ва нон махсулотлари ишлаб чиқариш мумкинлигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси таҳлиллари ҳам яққол исботлаб берди.

— Бу йил 704 тонна ўрнига 754 тонна галла сотиб, давлат шартнома режасини ошири билан бажардик. Шунингдек, олимлар билан ҳамкорликда ишлаб, илмфан ютуқларини татбиқ эта бормганини туфайли галла сифати борасида юқоридагидек натижаларга эришдик, — дейди Маматқул Саломов. — Бугун 300 гектар майдондаги пахтаимиз ҳам бодора очилляпти. Насиб бўлса, давлатга қарийб 1000 тонна оқори сифатли саноат хом ашёси топшириб, ҳосилдорлигини 40 центнерга етказмоқчимиз.

— Кузги галла экиш мавсумига ҳам тайёргарлик қизғин бўлса керак?

— Бу борада ҳам даламизда бир қатор тажрибалар ўтказганимиз, — дейди илгор фермер. — «Қачон эккан маъ-

қул?» деган саволга жавоб топиш учун октябрда ҳам, ноябрда ҳам уруғ қадаб кўрдик. Шулардан 1 октябрда экилган орадан 49 кун ўтиб, 17-18 тагача туллади, бўйи ҳам 35-40 сантиметрга етди. Шу тариқа галла экиннинг энг мақбул муддати октябрнинг дастлабки ўн кунлиги деган ҳулосага келганмиз. Шу кунларда галла экиш сеялкаларимизни таъмирлаб, тахт қилиб қўйганмиз. Уруғлик ҳам тайёр. Биринчи теримни тугатиб, галла экишни бошлаб, бир ҳафтада яқунлаймиз, деб турибмиз. Шу ўринда ўз тажрибамдан келиб чиқиб, галлачилик соҳасидаги фикрмулохазаларимни айтсам. Президентимиз таъкидлаганларидек, республикамиз истиқлол йилларида галла муствақиллигини қўлга киритди. Ҳар йили 6 миллион тоннадан зиёд бугдўй етиштирялмиз. Бу жуда катта ютуқ. Ҳаракат қилсак, бундан ҳам юксак натижаларга эришишимиз мумкин. Мисол учун орамизда бир хил шароитда меҳнат қилиб, ёнма-ён пайкалда ишлаб, бир ариқдан сув ичиб, икки хил натижага эришаётган, давлат контрактация шартномасини аранг бажараётган ёки бажараётган ҳамкасбларимиз ҳам йўқ эмас. Бунинг сабаби, улар ерни вақтида бўшлатмай, ўз муддатида тайёрлай олмади, экинни ноябрь, декабрь, ҳатто январгача қўзиб юборишляпти. Даламдан мўл ҳосил олам, сифатли галла етиштирам, деган ер эгаси экинни октябрнинг 1-2 ўн кунлигида тугаллаши зарур. Экандан кейин, албатта сугориш, озиклантириш шарт. Ўз муддатида экилган дон бақувват ривожланиб, қалин тулпаб, совуққа бардошли бўлиб қишга қиради. Ҳосили ҳам шунга яраша бўлади. Ерга ташланган бир дон дон 2-3 та туллаши ҳам, 30-40 та туллаши ҳам мумкин. Бу энди бизнинг меҳнатимизга боғлиқ.

Яна бир нозик масала. Кўп жойларда галлани сеялкада эмас, кимёвий ўғит беришга мўлжалланган НРУ мосламаларида экишмоқда. Бунда бугдўй экилмайди, балки селиб кетилади. Тўғри, ортидан култиватор юргизиб, кўммоқчи бўлишди. Барибир, ер қатига тушмаган уруғликнинг бир қисми очик қолиб, қушларга ва иш услубидан мутлақ воз кечишимиз керак. Бугдўйни, албатта, сеялкалар билан экиш зарур.

Фермер Маматқул Саломов янги мавсумда ҳам ўз даласида бир қатор янгилик ва тажрибаларни қўллаш ниятида.

Ортиқали НАМАЗОВ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида: «Ҳар бир фуқаро қари-ган чоғида, меҳнат қобилияти ва боқувчиси-ни йўқотганда ҳамда қонунда кўрсатилган бошқа ҳолатларда ижтимоий ҳимоя ҳуқуқига эга» дейилган.

Шу ҳуқуқнинг таъминла-нишида тиббий-меҳнат экс-пертизаси комиссиялари алоҳида ўрин тутди. Улар

МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИНГИЗ ЙЎҚОЛМАСИН

фуқароларимизни ижтимоий ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида изчил фаолият кўрсатаётдилар. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг бекаму кўст амалга оширилишига салмоқли ҳисса қўшаётдилар.

Ижтимоий ҳимоя йилида, Ўртабшимиз таъкидлаганларидек, «Ҳар бир фуқарога

алоҳида эътибор кўрсати-ли, ижтимоий жиҳатдан муҳ-тож фуқароларга доимий ёрдам берилиши» асосий мақсадимизга айланган.

Шу муносабат билан биз-нинг Тошкент туман тиббий-меҳнат экспертизаси комис-сиямиз бу йил бир қатор ишларни амалга оширди. Ногиронларнинг 4 нафари-га таянч ҳаракат воситалари-ни бепул олиш учун тавсия

берди. Шунингдек, ногиронларнинг 2 нафари кўлтиктаёқ, 14 нафари протез, 11 нафари арава, 5 нафари эшитиш мосламаси, 17 нафари махсус оёқ кийим, 5 нафари корсет билан таъминланишига ҳисса қўшди.

Айни пайтда, 34 нафар ногиронга реабилитация марказида бепул даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Шу кунларда эса туман ижтимоий таъминот бўлими қошида таянч-ҳаракат воситаларидан фойдаланиш иж-ра пункти фаолият олиб бо-раётганлигини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим.

Ҳикмат ФАТХУЛЛАЕВ,
Тошкент тумани Тиббий-меҳнат экспертизаси комиссиясининг мутахассиси, олий тоифали шифокор.

1 октябрь – Ўқитувчилар Ва мураббийлар кун



УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг самараларини ҳар қадамда кўриб-билиб турибмиз. Ўзлигини англа-

ган, илмга чанқоқ, интилу-ван ёш авлод қамолга етмоқ-да. Бунда ўқитувчиларимиз-нинг ўрни беқиёс бўлиб, улар туфайли ёшларимиз билим, ҳунар эгаллаб, ҳаёт-


да ўз ўрниларини топмоқда-лар.

Кейинги йилларда ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш, уларга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш устувор масалага айланди. Ўз навбатида бундан руҳланган устоз-мураббийлари-миз зиммаларидаги вазифа-ларга масъулият билан ёндошиб, бор билим ва маҳоратларини келажагимиз давомчиларининг муносиб таълим-тарбия олишларига сафарбар этмоқдалар.

СУРАТЛАРДА:

Янгибозор педагогика касб-ҳунар коллежининг психология фани ўқитувчиси Саломат Мамадалиева ҳамда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Нигора Нейматова янги педагогик таълим технологиялари ҳусусида фикрлашмоқда-лар; мусика фани ўқитувчиси Бахтиёр Абдураимов.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



Транспорт

«ТОБУТДАН ТОВУШ» ЯНА САҲНАДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ адаб асарлари-ни чоп этиш, улар асоси-да спектакллар, фильмлар яратишга алоҳида эъти-бор қаратиладими.

Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри жамоаси адаб обилеи муносабати билан «Тобутдан товуш» комедиясини қайта сахналаштирди.

Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий мероси халқимиз, айниқса, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида муҳим аҳамиятга эга, — дейди театр директори Мавлон Ҳўжаев. — Жамоамиз ўз фаолиятини 1986 йилда Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедиясини сахналаштириш билан бошлаган эди. Орадан йигирма йил ўтиб, яна шу асарга мурожаат қилдик. Сабаби Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳаёда учраб турадиган иллатларни фош этиши, инсонни эзгуликка ундаши билан ҳамisha долзарбдир.

«Тобутдан товуш» комедиясини режиссёр Мунаввара Абдуллаева сахнага қўйди. Саҳна безакларини рассом Александр Батиков ишлаган. Асосий ролларни Аҳор Шарипов, Дилафруз Мамашова, Бобур Ёқубов, Наргиза Элтова сингари актёрлар ижро этмоқдалар.

Назозат УСМОНОВА,
Ўза мухбири.

Янгийўл шахридаги «Янгийўл АШБ – С. Рахимов» автобус йўналиши анчадан буюн «Янгийўл АТС» ҳамда «Автохизмат» масъулияти чекланган жамиятлари ўртасида талаш бўлаётган эди. Шу сабабли транспорт масалалари билан шуғулланувчи вилоят комиссиясининг топиширигига асосан ишчи гуруҳ ушбу йўналишни мониторингдан ўтказди.

Бундан 20 йиллар илгари ушбу йўналиш «Янгийўл АТС»га тегишли эди. Кейинчалик автобусларнинг эскириб, янгиларини сотиб олиш қийинлашган, йўналиш эгасиз қолган. Бу орада «Автохизмат» уюшмаси тузилиб, «Янгийўл АШБ – С. Рахимов» йўналишида унинг автобуслари қатнай бошлаганди. Маълум бўлишча, «Автохизмат» бу йўналишда ўн йилдан зиёд вақт аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиб келган. 2006 йилда эса йўналишнинг шартнома муддати тугаган.

«Тошвилтранс» худудий уюшмаси вилоят транспорт комиссиясига 2007 йил 11 апрелдаги № 3/11-313-сонли хат билан мурожаат қилиб, «Янгийўл АШБ – С. Рахимов» йўналишини ўз аъзоси бўлган «Янгийўл АТС» МЧЖга тендерга бириктириб берилишини сўраган.

— Бошқа йўналишларга автобус етказиб беролмаяпмиз-у бунга транспортни қайдан оламиз, — дейди «Янгийўл АТС» МЧЖ раҳбари ўринбосари Камол Хожимухамедов. — Энди ҳусусий ташувчиларни жалб қилиш ҳаракатидамыз.

«Автохизмат» МЧЖ эса бу йўналишда ани кунда ҳам аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келаяпти. Шунинг учун Янгийўл шаҳар ҳокимияти ҳам вилоят комиссиясига мурожаат қилиб, ушбу йўналишнинг шартнома муддати тугаганлиги сабабли «Автохизмат» МЧЖга тендерга қадар бириктирилишини сўраган.

Ҳўш, бу ўринда йўналишнинг уюшмалар ўртасида талаш бўлишига, қолаверса, бу масалада ортқича гап-сўзларга ҳолат бормикин?

Юқоридаги каби йўловчи сер-қатнов йўналишнинг харидори доим

кўп бўлади. Бунинг ортидан турли низолар келиб чиқади. Мана бир мисол. «Янгибозор – Қўйлик» йўналишида қатновчи ҳайдовчилар юқори ташкилотларга ариза ёзишга тушиб қолишди. Улар «Ёшлик»

СЕРДАРОМАД ЙЎНАЛИШ МОЖАРОЛАРИ



уюшмасига аъзо эканликларини, аммо сўнгги пайтларда раҳбарларнинг ҳайдовчиларга яратётган шайроитлари уларни қониктирмаётгани, шу сабабли йўналишда ҳамда ҳайдовчиларни «Олиш-кураш-сервис» унитар корхонасига ўтказишлари-ни сўраб «Паркент АТС»га ҳам мурожаат қилишган.

Шу ўринда савол туғилади: «Янгибозор – Қўйлик» йўналишида

«Ёшлик» уюшмасининг транспортлари қатнаса, нима учун ҳайдовчилар «Паркент АТС» га хат билан чиқишган?

— «Ёшлик» «Паркент АТС» қошида ташкил этилган, — дейди АТС раҳбари ўринбосари Зокир Абдурахмонов. — Аммо, ҳисоб рақами алоҳида. Барча масалаларни «Ёшлик» раҳбарлари муствақил ҳал қиладилар. Йўналиш шартномаси эса бизда.

«Ёшлик» уюшмасининг транспортлари қатнаса, нима учун ҳайдовчилар «Паркент АТС» га хат билан чиқишган? — «Ёшлик» «Паркент АТС» қошида ташкил этилган, — дейди АТС раҳбари ўринбосари Зокир Абдурахмонов. — Аммо, ҳисоб рақами алоҳида. Барча масалаларни «Ёшлик» раҳбарлари муствақил ҳал қиладилар. Йўналиш шартномаси эса бизда.

Қизик, шартнома бошқа уюшмада бўлса-ю, бошқа корхона йўналишда хизмат қилса, буни қандай тушуниш мумкин?

«Олиш-кураш-сервис» унитар корхонаси «Янгибозор-Қўйлик» йўналишидаги ҳайдовчиларни ўз бағрига олди. Йўналишда ҳам ана шу корхона автотранспортлари қатнашига «Паркент АТС» раҳбарияти қарши эмасликларини билдирди. Шундай чалқашликларга йўл қўймаслик учун вазиятни ўрганган ишчи гуруҳ масалани вилоят комиссиясининг кейинги мажлисида ҳал этиш лозим, деган ҳулосага келди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, транспорт соҳасида кўнгилсиз воқеалар ҳам учраб туради. Тахририятга мурожаат қилган Қаҳрамон Шарипов шундай воқеага бевоси-

та гувоҳ бўлган.

— Паркентдан Янгибозорга қайтаётганим, — деб ёзди у. — Автобус шохбекада пешонасига «Паркент-Янгибозор» деб ёзиб қўйилган 11 К 2703 давлат рақами «РАФ» русумли автомобилга чиқиб ўтирди. Салон йўловчиларга тўлди. Шу пайт пастда ҳайдовчиларнинг ўзаро гап талашилари қулоғимга чалиниб қолди. Маълум бўлишча, биз чиққан автомобил йўналишига йўқ жойдан қўшилиб қолган экан. Нима гап бўлганини билмадим-у, ҳайдовчи шиддат билан келиб ўтирди-да, моторни ўт олдириди. Масала ҳал бўлди, деб ўйладим. Йўқ, қутилма-ганда ҳайдовчи машинани орқага силтаб қўзғатди-да, чамаси 3-4 метр юриб, олдига зарб билан кўнгалди ва нарида турган «РАФ»нинг ортидан бориб урди. Йўловчиларнинг бақир-чақирларига ҳайдовчи парво ҳам қилмасди. Бу воқеа яна такрорланди. Энди йўловчилар машинадан сакрай бошлашди. Мен ҳам деразадан ошиб кетдим...

Бу воқеа бизда қизиқиш уйғотди. Маълум бўлишча, 11 К 2703 давлат рақами оқ «РАФ» юқорида айтганимиз «Ёшлик» уюшмасига қарашли бўлиб, илгари «Паркент-Чанги» йўналишида қатнаган. Ҳайдовчи алмашини муносабати билан янги ҳайдовчига номаълум «ваъдабоз» «Янгибозор – Паркент» йўналишига ишга киргизиб қўйишни тақлиф қилган. Уша кун эса ҳайдовчи ҳеч қандай асоссиз ишга чиққан. Йўналиш ҳайдовчилари эса уни бундай ўзбошимчалик билан иш тутишига йўл қўйишмаган...

Уюшмалар ҳамда тизимдаги бошқа корхона ва ташкилотлар бундай муаммоларга яна бир бор эътибор бериб, уларни зудлик билан бари-тарфат этиш чораларини қўришлари лозим.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

БУ ХАТЛАРГА. ЖАВОБ КУТАМИЗ СИНГЛИМГА КЎМАК КЕРАК

Отам эрта оламдан ўтди-лар. 16 ёшимда 7 нафар укам ва сингилларим билан онам бағриларида полапонлардек чирқиллаб қолдик...

Оилада тўнғич фарзандлигим учун онамга кўмақдош бўлдим. Укаларим ва сингилларимни воёга етказиб, уйли жойли қилиш менинг зиммамда эди. Баҳоли қудрат бу вазифани бажардим...

Аммо, охириги пайтларда синглим Ханифанинг тақдирини мени ташвишга соляпти. Тўғрироғи синглимнинг оиласи бўзилиб, фарзандлари тирик етим бўлиб қолаётгани қалбимни ўрта-япти...

Ханифа турмушга чиққач, анча вақт тинч-тотув яшади. Кейинчалик эса синглим уйга тез-тез қўзғиш қилиб келадиган бўлиб қолди...

Бир кун эрта тонгда ким-

дир келиб, Ханифанинг уйида жанжал бўлаётганини айтди. Шоганча бордим. Не кўз билан кўрайки, синглимнинг ҳаммаёғи калтак зарбидан моматалоқ бўлиб кетибди. Эри маст бўлиб келиб, уни уйдан ҳайдабди, бошқасига уйланаман дебди...

Ханифани дарҳол касалхонага, болаларини эса уйимга олиб келдим.

Назаримда синглимнинг ҳаёти бўёғига изига тушмайдиган кўринади...

Улар ҳозир менинг уйимда яшапти. Очиғини айтсам, бир уйда тикилиб қолганмиз. Уй-жой масаласи муаммо бўлиб турибди. Дардимни кимга айтишни ҳам, кимдан ёрдам сўрашни ҳам билмай, ҳайронман.

Саиджон КАБИРОВ,
Янгийўл шахри.

Тахририятдан: Янгийўл шаҳар ҳокимлигининг хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа мутасадди идоралар ҳамда С. Кабиров оиласи яшаётган маҳалла фуқароулар йигинлари ушбу муаммо ечимини бир йўлаб қўришса фойдадан холи бўлмасди. Зеро бир оиланинг пароканда бўлиши, жамиятнинг бир чети дарз кетди, дегандир...

Биз шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлардан шу масала юзасидан тегишли жавоб кутамиз.

ЭРКАЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА!

Ўзим адвокатман. Куним югур-югурлар билан деярли кўчада ўтади. Ҳали туман судига, ҳали Тошкентга бориш, хуллас, ҳаммасига улгуриб лозим...

Тошкентга борадиган бўлсам, кўпича, «Пскент – Амир Темур хиббони» йўналишидаги транспортга чиқаман. Охириги пайтларда бу йўналишдаги микроавтобусларнинг қатнови кўпчилида норозилик тўғирмоқда.

Масалан, Пскентдан йўлга чиқиши лозим бўлган ҳайдовчи шохбекада то салон йўловчиларга тўлгунча кутиб ўтираверади. Кейин йўл-йўлақай учраган йўловчиларни ҳам чиқариб олади.

Сўзим исботи билан бўлсин. 16 август кунин Тошкентга йўлга чиқдим. Транспорт нақд ярим соат деганда келди. Салон йўловчилар билан тўла. Мен чиқанимдан кейин яна тўрт кишига тўхтади. Йўловчиларни санадим. Давлат рақами 10 ВС 177 бўлган «Газель» русумли автомобилда 16 киши ўти-

риб, беш киши тик туриб кетаётган эди...

Ҳўш, бундай аҳволда йўловчилар хавфсизлигини ким таъминлайди, уларни соғ-омон манзилларига етиб боришларига ким қарор беради? Қолаверса, транспортга меъёридан ортқича ўриндиқлар ўрнатишга, микроавтобусда туриб кетувчи йўловчиларни олишга ҳайдовчиларнинг ҳаққи борми?

Дарвоқе, ана бир масала. «Пскент – Амир Темур хиббони» йўналишида қатновчи микроавтобуслар кўпича хиббонга етиб бормай, Қўйликдан ортига қайтади. Шанба ва якшанба кунлари эса ушбу йўналишдаги микроавтобуслар Қўйликдан Бўкага йўловчи олади.

Бундай бошбошдоқлик ва ўзбошимчаликни ким назорат қилади?

«Пскент – Амир Темур хиббони» йўналишини тендер савдоларида қўлга киритган «Ипак йўли» корхонаси ўз ҳайдовчиларига нахотки шунчалик эркинлик бериб қўйган бўлса?

Гўзал МАЛИКОВА.

БЕРГАН ВАЪДАНГИЗ ЁДИНГИЗДАМИ?

Бундан бир мунча муддат илгари тахририятга ўртачирчиқ тумани Ўртасарой қишлоғида яшовчи Роза Душабековадан шикоят мактуби келганди. Унда хат муаллифи оилавий муҳити ёмонлиги, тўғрироғи турмуш ўртоғининг ичкиликка ружу қўйиб, ҳеч кимга тинчлик бераётгани, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига қилаётган мурожаатлари эса бесамар қетаётгани, вазият ҳамон оғир эканлиги ҳақида қуёниб ёзганди.

Вазиятни жойида ўрганиш мақсадида Ўртасарой қишлоғига борманимизда, ҳақиқатан ҳам оиладаги муҳит яхши эмаслиги, Роза Душабекованинг турмуш ўртоғи Баҳром Душабеков ичкиликбозлик оқибати

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

одамзод ҳар бир ишни оқибатини ўйлаб қилиши, аввало ўзини доимо поқ тутиши, атроф-муҳитга дахлдорлик билан муносабатда бўлмоғи зарур.

Абдулла АБДУНАБИЕВ,
Фотима ШИРИНОВА,
Тошкент Ахборот
технологиялари
университети
«Ўзбекистон тарихи»
кафедраси
ўқитувчилари.

[illegible]

МАРҲАБО, Ё РАМАЗОН!

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм!
Аллоҳ таолога беадад ҳамду сано бўлсинким, мубо-
рак Рамазон ойи рўзасини соғ-саломатликда, тинч-
ликда адо этиш бахтига мушарраф бўлиб турибмиз.

Бу кутлуг кунларда эл-юр-
тинг қамолти, халқимизнинг
бахт-саодати, мустақкам
имон-этикоди яна бир бор
намоян бўлиши табиий. Зеро,
ислом дини адолат ва меҳр-
муруват, поклик ва бағри-
кенгликка қаровчи, кишилар-
ни мансабу бўйлик, нафсу
хаво каби бу дунёнинг сароб
фароғатлари ортидан қувиш-
га эмас, ақсинча, шахсий
таъмадан кўра халқ манфаа-
ти ва юрт фаровонлигини
устун қўйиш, шу йўлда ас-
тойдил меҳнат қилишга даъ-
ват этиши таълимдир.

Ойларнинг энг афзали,
барака, раҳмат ва мағфират
ойи бўлиши муборак Рама-
зони шарифнинг ўттиз кунлик
рўзасини муқаммал адо
этишликни насиб этсин. Бу
покланиш ойда қилган иба-
датларимиз, тутган рўзалари-

сизга ато этган неъматини
ҳақида бошқаларга айтиб бе-
ринг" деган. Демак, Яратган-
нинг шунча неъматларига му-
шарраф бўлиб турган экан-
миз, бу ҳақда ҳар доим, ҳар
кимга гапириб, унинг шукри-
ни адо қилишимиз лозим
бўлади.

Маълумки, Рамазон кунла-
ри барча мусулмонлар бир-
бирларини муборакбод этиб,
табаррук отахон-онахонларга
узок умр, имон, ёшларга та-
вфику рушу ҳидоят тилашади.
Қариндош-уруғларни, ёру би-
родарларни зиёрат қиладилар,
ўз яқинлари ва беморларнинг
ҳолидан хабар оладилар.

Бу улуг айёмни элу юрти-
мизда меҳр-оқибат, узаро би-
родарлик, катталарга ҳурмат,
кичикларга иззат, ҳиммат ва
саховат каби аъёнларимиз
тобора мустақкам қарор то-
паётган бир шароитда кўта-
ринки руҳ билан кутиб олаёт-
ганимиз янада қувонарлидир.

Қайд этиш лозимки, бу
йилги Рамазон ойи ўзгача

Инсон юрагида болаликдан ота-онасидан, ака-укаси-
дан, мактабидан, устозларидан, кейинчалик эса
дўстларидан, кишлоғидан, маҳалласидан, оиласидан
фахрланиш туйғулари дарахтдек ўсиб, катталашиб
бораверади. Шундай азиз туйғулар ёнига туғилиб
ўсган Ватанини таниб, унинг қудратини ҳис эта бош-
лашдек интилиш ҳам қўшилади. Маънавияти тўли-
шиб, маърифатга интилиб кўзи очила боргани сари
«Мен шу юртнинг фарзандиман», деган овоз вужу-
дида кўнғироқ чала бошлайди.

ЭНГ ЧИРОЙЛИ МАКТАБДА МАЗЗА ҚИЛИБ ЎҚИЙМИЗ

Юртбошимизнинг Ўзбе-
кистон Мустақиллигининг
16 йиллигига бағишланган
тантанали маросимда ай-
тилан «Эзгу мақсад ва ре-
жаларимизни рўёбга чиқари-
шида бизнинг ишончимиз
ва таянчимиз бўлиши...
фарзандларимизни замона-
вий билим ва таърибига, ўз
мустақил фикрига эга бўлган,
маънавий юксак,
комил инсонлар этиб тарбия-
лаш, уларнинг ҳаётияти-
мизда мустақкам ва муно-
сиб жой олиши йўлида за-
рур шарт-шароитларни ярати-
тиб бериш барчамиз учун
ҳам қарз, ҳам фарз, деб била-
ман» деган сўзларини
тинглаб, ана шу фикр-му-
лоҳазалар ҳаёлимдан кеч-
ди.

Даврадаги бир суҳбат
тез-тез ёдимга тушади.
– Қай бир йили ҳовлига
бир тўп ўрик эккан эдим,
қарангки, ўша йилиёқ
ҳосилга кирди.

– Кўчатлигидек ётилиб
қолган бу дарахт, парвари-
шини бўшаётганимизми?
– Ҳа, ҳар йили шу да-
рахтга алоҳида меҳр қила-
рдим. Ишонасизми,
совуқ йиллари худди ҳурмо
дарахтидек бўз қоп билан
ўраб ҳам қўйдим. Каттароқ
бўлганда изгирин кунлари
тағдида ўт ёқиб, тутунлатдим
ҳам.

– Ҳозир қай аҳволда ўша
ўригингиз?
– Ҳар йили ҳосили мўл,
унча-мунча совуққа бўй бер-
майди, касалдан ҳоли, нов-
далари бақувват, илдири ҳам
ерни қўпроқдек, йўғонла-
шиб кетган.

– Ҳа, энди, ҳар бир на-
рсага меҳр билан қарасангиз,
астойдил ишлов берсангиз
илдизи чуқур бўлар экан.
Илдизи бақувват бўлса, да-
рахт ҳосилдан қолмайди.

Шундан сўнг суҳбат бош-
қа мавзуга сакради. Лекин
кўпчилиكنинг кўнглига «ил-
дизи бақувват бўлса» деган
гап ўрнашиб қолди.

– Боланинг онги эшит-
гандан кўра кўрганда тез-
роқ ривожланади, – дейди
психолог Мунира Йўлдоше-
ва. – Кўзи билан кўрган
воқеа ёки манзара болани
дарров мулоҳаза қилишга
қўлайди.

Дарҳақиқат, ҳаётимизда
бўлаётган буюқ ўзгаришлар
аввало болаларимизнинг
дунёқарашини кенгайтириш
билан бирга келажакка
ишонч билан қарашга қў-
лантиради.

Бугунги кунда атиги 15
ёшга тўлган бола ҳам атро-
фидаги янгиликларни, қури-
лишларни ва ободончилик-
ларни кўриб, ўзининг келаж-
гани янада ёрۇрроқ тасав-
вур этаётган бўлса ажаб
эмас.

Республикамиз миқёсида
мактабда бўлаётган эти-
тилган бирга келажакка
ишонч билан қарашга қў-
лантиради.

Бугунги кунда атиги 15
ёшга тўлган бола ҳам атро-
фидаги янгиликларни, қури-
лишларни ва ободончилик-
ларни кўриб, ўзининг келаж-
гани янада ёрۇрроқ тасав-
вур этаётган бўлса ажаб
эмас.

Республикамиз миқёсида
мактабда бўлаётган эти-
тилган бирга келажакка
ишонч билан қарашга қў-
лантиради.

Рамазон	Ҳафта кунлари	Сентябрь	Саҳарлик тугаши	Ифторлик бошла-ниши
1	Пайшанба	13	4:20	18:42
2	Жума	14	4:21	18:41
3	Шанба	15	4:22	18:39
4	Якшанба	16	4:23	18:37
5	Душанба	17	4:24	18:36
6	Сешанба	18	4:25	18:34
7	Чоршанба	19	4:26	18:32
8	Пайшанба	20	4:27	18:30
9	Жума	21	4:29	18:29
10	Шанба	22	4:30	18:27
11	Якшанба	23	4:31	18:25
12	Душанба	24	4:32	18:23
13	Сешанба	25	4:33	18:22
14	Чоршанба	26	4:34	18:20
15	Пайшанба	27	4:35	18:18

РЎЗА ТУТИШ (ОФИЗ ЁПИШ) НИЯТИ
Навбатий ан ассума совма шаҳри рамазона
минал фахри илал мағриби, ҳолисан лиллаҳи
таъала, Аллоҳу Акбар.

ЎНИ: Рамазон ойининг рўзасини тондан то
кун ботгунча ҳолис Аллоҳ таъоло учун туттишни
ният қилдим.

ИФТОРЛИК (ОФИЗ ОЧИШ) НИЯТИ
Аллоҳумма лақа сумту ва бика аманту ва ғалайқа таваккалту ва ғала
ризиқа афарту, фағфирли йа Гоффару ма қоддамту ва ма ахорту.

ЎНИ: Аллоҳум, Сен учун рўза тутдим ва Сенга имон келтирдим ва
Сенга таваккул қилдим ва Сен берган ризқ билан рўзамни очдим. Эй
ғуноҳларни кечиргучи Зот! Менинг аввали ва охири ғуноҳларимни
кечиргин!

Оғамийлик шебаси

Саъдулла СИЁЕВ

ГАВҲАР

ЙЎҚОТГАН

ГУМРОҲ

Энди мен ёзувчилар айт-
моқчи, икки оғиз лирик чеки-
ниш қилмоқчиман. Биласизми,
кейинги пайтларда кўпгина
раҳбар ўртоқларимизнинг тур-
мушини кузатиб, ғалати бир
хулосага келгандай бўлдим.
Одамнинг амали, мартабаси
нечоғлик юқорилашган сари,
у хотинига шунақли тобей-
роқ бўлиб қолади шеклини,
деб ажабланаман. Мана
ўзимдан қиёс. Отаним бир
амаллаб уйга қайтардим.
Аммо унинг илгариги фаро-
ғатли турмушини қайтара ол-
мадим. Хотин бурунгидек уни
силтаб, ҳўрламас эди-ю, ле-
кин бирон марта "дада" деб
очилиб гулғирмасди ҳам. Мен
бунақа муаммаларни кўриб ту-
риб, ўзимни қўрмаганга олар-
дим. Ҳоҳ бир нарсани ўйлаб,
изтироб чекаман: мен тобора
хотининг галига кўпроқ ки-
радиман, унга қаттиқ гапира
олмайдиган бўлиб қоламан.
Домм қош-қовоғига қараб ту-
раман. У хатто, хизматимга
аралашиб, менинг номимдан
бировларга кўрсатма берган-
ни эшитсам-да, яхши эмас,
деб ғуноҳорона илжайишдан
нарига ўтолмайман.

Мен ўли хотинининг чил-
дирмасига алданган ўша тел-
бага ўхшаб кетаётгандим.
Уйнаб-ўйнаб, охири қуюқ
ўрмонга кирганимни билмай
қолдим. Кўзим очилганда кеч
бўлган эди.

Бир кун овқатдан кейин
хотин "Нота" топширди:
– Бу уйда ё мен тураман,
ё отанинг! Холларимизни
танланг! Менга барибир...

– Чол нима ёмонлик қилди
сенга? Унга супрадаги жой би-
лан бир қошиқ ёғон етати-
ку? У – менинг отам. Ҳеч
қайсига кетмайди. Уятинг бор-
ми ўзи, хотин? – деймадим.
Чунки, хотин илгари ҳам бир
мартанга жанжал қилиб, кетиб
қолган, ярим бўйи оғир-оғир
қилиб эди. Ичим ёнди. Ҳаша-
матли кабинетим, илмий дав-
ралардаги "Хуш кўрдик" лар,
ишхонадагиларнинг қўл
қовуштириб турлилари, яқин-
да бўлибдиган сайловлар кўз
олдима келди. Журтасизлик,
тобейлик устун чиқди. Беан-
дишчилик, бефаросатлик қил-
дим.

– Отам – қайга боради? –
дедим қизариб. Хотин сел ю-
шади.

– Мен қариялар уйдан жой
гаплашиб қўйдим. Қўрқманг,
(Охири. Боши ўтган сонларда).

нинг ярми оқарди. Уч ойнинг
икки ойи касалхонада ўтди.
Бошим гувилайди. Нима
қиларимни билмайман. "Дом-
ла, сизга нима бўлди?" деб
ишхонадагилар ҳам ҳайрон.
Инсонга табиат юборган дард
борки, ҳаммасини бировга ай-
тиш мумкин. Менинг дардим-
ни айтиб бўлмайди. Шунинг
учун одамларга қўйилмаган.
Ҳали ёнимга бир чол келди.
Юрагим чиқиб кетай деди.
Турти-турмуши, бўй-баста,
хатто озидаги чандиғиғача
отаним эслатади. Қўриб, шу
ёққа ўтдим.

– Ўзингиз бу аҳволда
бўлсангиз, дадангизни ҳам
бориб кўролмагандирсиз?
– Афандимизсиз, соғ бўл-
ганимда-чи? Қайси бетим би-
лан бораман-у, нима дейман?
Ота, илгари меҳрим йўқ эди,
бировлардан ақл ўрганиб,
меҳрили бўлиб келдим, дей-
манми? Меҳринг бозорни
йўқ...

У соатига қараб ўрнидан
турди. Ҳамгун қулди...

– Ана, биродар, "Қиссаи
оқадавр" тамом. Нима деб
ўйласангиз, қандай ҳукм чи-
қарсангиз – ихтиёрингиз.
Менга барибир. Мени бир ма-
сала қийнайди. Отам "Болам,
ўлигим кўчада қолмасин, ки-
шолқа олиб бориб кўм" деб
васият қилган. У киши бир
кун оламдан ўтса, қандай
хабар топаман? Ахир отам-
нинг манзили нотайин, ёлғон-
ку? Мен уни қариялар уйига
топишратганимда қариндо-
шимман, дегандим. У ердаги-
лар ҳокисоргина чол фалон-
чи профессорнинг отаси
эканлигини ҳаёлига қелти-
рирмикан? Ҳа, дарвоқе,
яқинда отам ишхонамга икки
эзлик хат бериб юборибди.
Мазмун шунки, "Болам, бу
ердагилар ўзингиз бор экан,
қаерда ишлайди, деб сориш-
тирди. Сенинг қимлигини
айтадим. Обрунган пўтур
етмасин, дедим. Ташвиш тор-
тмай ишлайвер, бошинг тош-
дан бўлсин", дебди. Бечора
отаним! Ўзи не аҳволда-ю,
ҳамон фарзандини уйлайди.
Уэр, уқолим бор эди, бораё.
Врачларга ҳам қойилман.
"Ҳам еманг, домла, отдай
бўлиб кетасиз", дейишди.
Оптимистлар! Билишмайдикки,
кўта невропатолог, мингта
психиатр бош қўшганда ҳам
менинг дардимга дармон то-
пишлари мумкин. Чунки ме-
нинг дардим – бедавал!

СКАНВОРД

Халқ куйи ноти	Пичан уюми	Амфибия (б/ф.)	Салла
Африкадаги давлат	Мехнат	Турец (адиб)	
Ўрта Осиёдаги қўл	Спорт тури	Соқлом, тетик	
		Кўзгу	Му- сика асбоби
Зор	Ҳасан-Хусан	Қир юнгиш қуқули	Кат... ынт... мар...
		Хона-дон	Қўйлак қисми
Штат (АҚШ)	Россиядаги қўл		Ёқилги тури
			Казак-лар сардори
Асосан	Олим қадим	Африкадаги давлат	Ночор
			Миллат (Европа)
Халқнинг ақаси		Кема қисми	Бўёқ, қолип, доғ
Ёзув қуроли		Майса, ўт	Инкор
Савод-сиз		Бўёқ	Нота

Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

Футбол

КУРАШ ДУРАНГ БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси келаси йили Хитойнинг Пекин шаҳрида бўладиган ёғи Олимпияда ўйинларининг беллашувларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўтказилаётган саралаш мусобақасининг учинчи босқичида навбатдаги учрашувини ўтказди.

"В" гуруҳида тўп сураётган вакилларимиз Самарқанд шаҳрида Сурия футболчилари билан куч сынашди.

Терма жамоамиз футболчилари беллашувда устуниликни ўзида ушлаб турган бўлса-да, уларга қучли ҳимоя қилишга эга Сурия терма жамоаси дарвозасини забт этиш насиб этмади. Учрашувда ҳисоб очилмади.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида эса Жанубий Корея футболчилари сафарда Баҳрайн жамоаси билан куч сынашиб, Кан Мин Су томонидан киритилган ягона гол эвазига кетма-кет иккинчи ғалабасини нишонлади.

Навбатдаги тур ўйинлари 12 сентябрь кунги ўтказилади. Унда Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Тошкент шаҳрида баҳрайлик спортчиларни қабул қилса, Сурия футболчилари гуруҳ пешқадами – Жанубий Корея жамоаси меҳмони бўлади.

Ў.А.

Эълонлар

1993 йил 30 мартда Милосердов Владимир Михайлович номига берилган 01-01/17068 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бектемир туманидаги "ХАС-ХАД-ХУС" МЧЖ (ОКПО 18586970) "ЕКО-TRANS-QURUVCHI" МЧЖга айлантирилмоқда.

Давро ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 195-22-22 рақамли телефон орқали ва Чирчиқ бўйи қўчаси, 3-уй манзилида қабул қилинади.

Юнусобод туманидаги "АКСАМА" МЧЖ (ОКПО 19143417, ИНН 204589524) **ТУГАТИЛАДИ.**

Давролар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Юнусобод тумани, Б. Тиллаев кўчаси, 47-уй манзилида қабул қилинади. Тел: 703-25-52.

Утеранный диплом АС № 077123 выданный в 1997 г. РУПЦНТ г. Ташкента на имя Кулагина Алексея Алексеевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утеранный диплом АУ № 082959 выданный в 1996 г. РУПЦНТ г. Ташкента на имя Кулагинной Елены Алексеевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утеранный диплом КХТ № 004587 выданный в 2000 г. Бизнес школы № 7 г. Ташкента на имя Бадаловой Нодирры Иркиновны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утеранные кадастровые документы на складское помещение, площадью 35 кв.м., расположенное в Мирзо Улугбекском районе, по ул. Маткабулова, м-в Капаса-2, д. 36, выданный Главным управлением регулирования земельных отношений и кадастра недвижимости, на имя Абдуразакова Д. А., **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.

Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзиллимиз:

700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти

Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун режа-лама ва эълон берувчилар масъулдир.